



Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqqan boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

# Milliy tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 4 fevral, Juma

3 (309) son

## ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР — ЯНГИЧА ИШЛАШГА ДАЪВАТ

Хурийд ДЎСТМУҲАМЕДОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўшмаси раиси.

...Ушбу икки тарихий сананинг бошланиши 2004 йилнинг 26 декабри ва 2005 йилнинг 9 январидаги сайлов жараёнлари билан боғлиқ эди. Сайлов ҳақида сўз очиб, бировни ҳайратга солиш қийин, чунки эндиликда ер юзининг сайлов ўтказилмайдиган ҳудудлари оз қолган. Лекин сайлов жараёнларининг ичида юрган, унинг қизгин шиддати ва ҳароратидан бевосита «бахра» олган бевосита шохид сифатида шунга айтиш мумкинки, бу сафарги сайловлар аввалгиларидан мутлақо ўзгача тарзда бўлиб ўтди. Қишнинг аёзли, қор-ёғирли кунларида, баъзан иситилган, баъзан иситилмаган хоналарда, залларда, клубларда йиғилиб ўтирган қишлоқ аҳолининг қизиқлиқларини, уларнинг энг сиёсий жараён — сайловга доир мавзуларда қизиқиш, ҳаяжонлиқ, талашиб-тортишиб сўхбатлашиб ўтиришларини кўриб ҳайратланмай бўладими? Ана шу эмасми, тафаккурда янгилашиш! Ана шу эмасми, мамлакат ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ислохотда оддий фуқаролар иштирокининг фаоллашуви?!

Одамлар кимларнинг номзодлари қўйилганига, улар орасидан ким депутат бўлиши мумкинлигига ҳар ерда ва ҳамиша жиддий ёндашдилар. Бирор жойда «Менга нима?» қабилидаги лоқайд кайфиятини кўрмадик десак асло муболага бўлмайдими. Яна бир гап: сайловда учрашувлар чоғида маҳаллий муаммоларни, маънавий турмуш қийинчиликлари кўтариб чиқиш, Бундай тарвхти ўзимиз учун танқид деб қабул қилмоғимиз ва келгусидаги ишларимизни мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этсак янаям тўғри бўлур эди. Ахир халқимиздаги қизиқиш ва интилишлар партияларнинг ҳар қачонгидан фаолашуви учун айнаи мудоао эмасми?!

Сайловчилар депутатлар билан, умуман мамлакат пойтахтидан борадиган давлат, жамоат, фан, маданият ва санъат намоёндалари билан юзма-юз учрашишга ниҳоятда муштоқ! Улар билан сўхбат қуришга, кўнгилларидаги сирларини сирлашишга роятда ташна.

Бу қаңдай имконият? Ким учун имконият? Қайси мақсадлар йўлида сафарбар этиш мумкин бўлган имконият? Муҳтарам Президентимизнинг қўшма йиғилишдаги маърузаларига мурожаат этайлик: «...партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етуқликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак». Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари замбирда сиёсий партияларнинг фаолашуви даъвати ётган

Сайловчилар билан бўлган учрашуларда партияимизнинг тарихи, бутуни, унинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари хусусида сўзлай туриб беҳиётёр йўлаб қўйдим; демек, одамлар «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мавжудлиги ҳақида биз ўйлаганчак яхши хабардор эмас экан-да? Партия ўз олдига мақсад қилиб қўйган энг улур ишлари халқимизнинг энг гўзал миллий қадриятларига асосланганини дуруст аниқлаб етишмаган экан-да?

Айбни ташқаридан эмас, ўзимиздан, аниқроғи фаолиятсизлигимиздан, укувсизлигимиздан, минимал имкониятлардан максимал фойдалана олмаганимиздан излашимиз кераклиги яққол кўринади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, партиянинг маҳаллий бошланғич ташкилотлари йўлга қўймай туриб, уларнинг фаолиятини жонлантирмай туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги яққол кўринади!

Жойлардаги партия аъзоларимизни қайта бошдан рўйхатдан ўтказиш, уларнинг сифат даражасини аниқлаштириб олиш зарур

тикланиш» ўз номи билан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, миллий ўзига хосликларни ўзида мужасам этган, қолаверса, миллатимизнинг порлоқ келажиги, истиқболлини қўзғалаган партия сифатида янада кўпроқ овоз олишга маънан ҳақли эди.

Муҳтарам Юртбошимиз «Миллий тикланиш» партияси миллий истиқбол партияси эканини, бу партиянинг тақдир халқимиз тақдир

алоҳида белгилаб берилди. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш борасидаги ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш зарурлиги айтилди. Ахборот узатиш, яъни коммуникация технологиялари шу қадар кенг ва қамровли тус олмақдаки, бу борадаги тараққиёт самараларини эътироф этган ҳолда бу қадар серқатлам соҳани қонуний асосда йўлга солиш давр тақозосига айланаиб улгурди. Коммуникация технологиялари кенг қулоч отаётган мамлакатимизда эндиликда уларнинг фаолиятини қонулар асосида кўриш даври етди. Ахборот шиддати матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўлчамлари ва чегараларидан чиқиб кетгани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Мақоламиз бошланишида келтирилган икки тарихий кун ортада қолди. Ўзбекистон икки палатали парламент мақомига эришди. Дастлабки ташкилий масалалар қатори Қонунчилик палатасида ташкил этилган 10 та палата ва унинг қўшма йиғилишда сайланган раислар ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Ҳаёт давом этади, ҳаёт янги-янги талабларни кун тартибига қўяверди. Мамлакат Парламенти Қонунчилик палатаси партия фракциялари ва кўмиталар халқимизнинг янада фаровон яшашлари учун замин яратувчи пухта қонуларни яратишдек, яратилган қонуларнинг ижросини таъмин этишдек муқаддас вазифаларни айнаи янги талаблар асосида адо этишга киришдилар.



СОҒЛИК БОЙЛИҚДАН АБЛО

«Шундай беморлар борки, Тушқанда миҳланиб ётар бемажол, Уялиб кетасан тузалганинган. Шундай шифокорлар борки, Тушишган акаңдай қарайди сенга, Тузалиб кетасан уялганинган.» деган эди бир шеърда машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуф. Ҳа, жонинга жоңдош бўлган шифокорларнинг меҳри кўпича туғнишган ака-укаңг меҳридан кам бўлмайди. Тиббий фанлари доктори Пиримкул Назиров ҳам ана шундай фидойи инсонлар сирасига киради.

Юртбошимиз томонидан 2005 йилнинг Сихат-саломатлик йили, деб эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, юртимизда халқ соғлиғига бўлган эътибор нақадар юксак эканингандалоқ далолат беради, дейди П.Назиров. Дастурда аниқ эътибор белгилаб олинган, маблағ билан таъминлаш масалалари ҳам масъул кишилар зиммасига юклатилган. Бундай эътибор кўпчилиги қатори биз — тиббиётчилардан ҳам ўз ишимизга сидқидилдан ёндашни, виждонан ишлашни талаб этади. Жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш, Сихат-саломатлик йилида ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамияти, бажарувчиларнинг қўшма қарорлари билан тасдиқланган. Мана шу мақсадли дастур асосида аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш ва тушуштириш ишларини олиб бориш, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлик маданиятини, юксалтириш, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳаётий фалсафасини шакллантириш кўзда тутилган.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

### Раъно ЗАРИПОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

... Номига эътибор беринг, «Миллий тикланиш...!» Дарвоқе, давлатимиз раҳбари айтганидек, миллат бор эканки, миллий тикланиш жараёни улзуклиқ ҳаракатда бўлади. Миллат бор эканки, ўтмиш ва келажак, аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги вадорлик, уларнинг ягона мақсади йўлидаги узвийлиги да

вом этади. Айниқса, Юртбошимиз вақт ва замон тақозоси билан бошқа партиялар номларини ўзгартириб кетиши мумкин, лекин миллий тикланиш ғояси мангу ғоялардан бўлиб қолади деган мазмундаги луфларини эшитиб вужудим жимирлаб кетди...

Миллий тикланиш бу — Ватанимизнинг боқий ме

роҳи, умуминсоний қадриятлар ва удумларимиз, умумбашариий ютуқларимиз ўртасидаги ғоявий кўприк. У жамиятдаги турли партиялар ва ҳар хил эътиқод ҳамда дунёқарашдаги кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигу ҳамжиҳатлиги, бағрикенглиги, миллий ва умумбашариий қадриятлар уйғунлигига хизмат қилади.

### Абдурашид ТҲАТБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Юртбошимиз Исроом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Миллий тикланиш» партияси ҳақида фикр билдириб миллий тикланиш замирида миллатнинг миллат бўлиб етишуви ғояси ётганлигини таъкидлаб ўтди. Партияимизнинг келажигига

умид, биз танлаган нури йўл, тўғри йўналиш узоқ йилларга тагиулик экани, энг муҳими, собит-қадамлик зарурлигини айтди. Партияимиз Низомни Дастурда кўзда тутилган мақсадлар йўлида ишлаши миз эди. Бу йўлда барчамиз ҳамжиҳат бўлайлик!

## БЎЗНИ БЎСТОН ЭТАЁТГАНЛАР

Мабодо, водий томонларга йўналиш тушгудай бўлса, кўҳна ва навқирон Кўқон шаҳридан чиққанингнидан сўнг Ёзёвонга, кейин Андижоннинг гарбий дарвозаси ҳисобланмиш Бўз туманига кириб борасиз. Бир вақтлар Бўз деган номни эшитган инсоннинг кўз олдига дарров поёнсиз чўллар келарди. Бутун Бўзга ташириб юрган киши бу жойларнинг бир пайтлар чўл бўлганига ишонгани келмайди. Албатта, бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ўз ўзидан бўлмаган. Бу ерларни обод қилишда Бўзлик захматкаш инсонларнинг ҳиссаси беқеъс. Ёзёвондан чиқиб то туман марказига етгунга қадар йўлнинг икки чеккасида жойлашган ўрикзор олмазорлар кишининг баҳру дияни оқади.

Бўз туман ҳокимияти биносига кириб борганимизда туман ҳокими Бахтиёр Абдуллаев туман фаоллари билан баҳорги ободонлаштириш ишларини режалаштириш борасида йиғилиш ўтказётган экан. Ҳа, Бахтиёр Абдуллаев ўзи ёш бўлишига қарамай анча тажрибали, одамлар билан қаңдай ишлашни биладиган раҳбар. У туманга ҳоким бўлиб сайлангандан бери туманда талайгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланишига кулай шарт — шароитлар яратиш мақсадида туман марказида жойлашган стадионни замонавий услубда қайтадан таъмирлаш ҳамда болаларнинг сув спортини билан шуғулланиши учун бассейнлар қуриш ишлари жадал сурьатда олиб борилмоқда. «Озо» ширкат хўжалиги марказида замонавий услубда қурилаётган спорт комплекси ҳам қишлоқ ёшларининг ҳизм қувончига сабаб бўлди.

Биз сафаримиз давомида Бўз пахта тозалаш хиссамоқда. Жамият раҳбари Иномжон Парпиев бизни бу ердаги иш жараёни қаңдай бориши билан таништирди.

Ушбу жамиятда 400 га яқин одам иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача маоши 40 минг сўмни ташкил этади. Жамият ҳудудида ташкил этилган чорвачилик фермаси ишчиларни гўшт маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб келмоқда. Ишчилар оилаки маошларини ўз вақтида олишлари ва уларга яратилган шароитлардан жуда мамнун.

Албатта, истиқлол шарофати билан барчамиз қатори захматкаш деҳқонларнинг ҳам елкасига офтоб теги. Бутун деҳқон ўз ерига, ўзи эккан ҳосилни ўзи тасаруф қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан туманда мавжуд бўлган ширкат хўжаликларини ҳозирда босқичма-босқич деҳқон-фермер хўжаликларга айлантириш ишлари олиб бориламоқда. 2005 йилнинг биринчи чорағида тумандаги бешта хўжаликнинг тўлиқ деҳқон-фермер хўжалиқига айлантириш режалаштирилган.

Биз тумандаги илгор хўжаликлардан бири ҳисобланган Улуғбек номили ширкат хўжалигида бўлган мамасодиқ Тўйчиевнинг ўз идорасидан эмас, балки мавсумга шай қилиб қўйилган техникаларни кўриқдан ўтказётган жойидан, яъни хўжалик трактор паркидан топдик. Бу ердаги техникага бўлган эътибор, ҳамда трактор паркни озода, саришталиги ҳам хўжалик раҳбарининг ишининг кўзини биладиган удабурон раҳбар эканингандалоқ беради. Хўжалиқда ҳозир буғдой экилган ер майдонларида баҳорги ишлов бериш ишлари таяёрғарлик кўриляпти. Хўжалик ҳудудида ариқ қазиб ишлари ниҳоясига етказилган.

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ, «Миллий тикланиш» муҳбири.

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ

## НАВОИЙ ШОҲБАЙТЛАРИ

Сўзимиз ибтидоси. Ҳазрат Навоийнинг зоҳирий ва бо-  
тиний таъриф—тақинича, «сўз гуҳари», «маъни гуҳари»  
тимсоллари кўриниши бўлиши шохбайтлар(терма байт ё  
бадларни муайян ўй—ният, мудоа(мақсад—роя) ва маъ-  
лум мавзулар эътибори—ла тартиб—тизим билан таъ-

мартаба мушарраф—улуғ мутафаккир шоир қаламининг  
қудрати. «Арш лавҳига рақам чекиш билан унинг илоҳий  
сўзи фалақнинг сарбаланд нуқтасига («бир авж уза») за-  
фар байроғини ўрнатидек шарафнома тимсоли сифа-  
тида улуғланади... Бас, даҳо санъаткорнинг «хар сўзи» бир



Бу, зоҳиран олган чоғда  
ҳам, бир эмас, бир неча авлод  
тадқиқотчиларнинг умри ет-  
мас, бардавом тақинотни та-  
қозо этувчи, моҳиятда «икки  
жаҳон» ҳақиқатиға, руҳий  
олам сир—синаотига даҳлдор  
маърифат, боқий сўз—фасо-  
ҳат таҳқиқи, Бобур таъби-  
рича «Алишерий» нуқтадон-  
ликлар шарҳи—лавҳалари,  
рисолалари, навоийнома  
жиддлари демакдир...

Биз мана шу кутлуғ ва улуғ  
маъзувнинг аввали: «Сўз таъ-  
рифиди»ги байтларга фақат  
бир лавҳа нигоҳ ташлаб,  
сўнгра, «орифона», байтлар  
ҳақида озми—кўпми ўз ҳайратимизни шунчаки баён этиш  
билан кифояланамиз.

Сўз келиб аввало жаҳон—сўнгра,  
Не жаҳон, кавн(замон) ила макон—сўнгра...

Ҳа, Низомиддин Алишер Навоийнинг муборак тақди-  
нича, осмондан—Қудрати илоҳий марҳамати—ла нозила  
бўлган муқаддас китоблардан аввалроқ, илк бор фазо лав-  
ҳаларига раббоний Қалам билан битилган «Лавҳул—маҳ-  
фуз» (оламнинг яратилиши ва муҳофазаси ёрлиги)да пайдо  
бўлган «Нури Мухаммад» калимасидан эътиборан, аввалги  
илоҳий сўзлар, яъни «жаҳондан, «замон» ва «макон» ҳа-  
қиқатидан шаҳодат аломатлари тарзида бунёдга келган би-  
ринчи даракчи тимсолларидир! Вожаби! «Ақл боши айла-  
нар» (Навоий) ҳайратбахш мўъжизалар мўъжизаси!...

...Турт садаф гуҳарининг буржи—ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи—ул!...

Сўз гуҳарига эрур онча (шунчалар) шараф—  
Ким, бўла олмас анга гуҳар садаф...

«Турт садаф» (хусусий арбаб: ўт, ҳаво, сув, тупроқ) —  
бу модалий мавжудот, шаҳодат оламнинг асосини ташкил  
этувчи зоҳирий аломатлар ҳолос, моҳият эътибори—ла  
Тавҳид фалсафаси («ваҳдатул—вужуд» —ягона Ҳақ Таоло  
билан мавжудот оламнинг бирлиги, бутунлигининг асоси,  
яъни «турт садаф» замиридаги «гуҳар», бу—жон, ҳаёт де-  
макдир... Ҳа, Навоий тақинидидаги Сўз қудрати шунчалар  
улуғдирким, у—олам (асли «оламлар ичра оламлар»,  
А.Мухтор тақини) «гуҳарининг буржи» (сирру—сина-  
отлар сандиғи) , йўқ, бу ҳам кифоя эмас «етти фалак  
ахтари (юдузалари)нинг буржи» (марказий нуқтаси—ай-  
ланма сирлисининг асосий ҳалқаси) эмши! Яна: «Вожаби!»  
дея ҳайратдан лол қолмай илоҳимиз йўқ...

Бугина эмас. «Сўз гуҳари»нинг маъно ва баҳосига «онча  
(шунчалар ададсиз) шарафига мушарраф эмишким, бу ило-  
ҳий мўъжиза олдиди... баҳрининг дур—гавҳарлари «садаф»—  
чалки қимматли «бўла олмас» эмши!...

Маълумки, Навоий то мисласи буюк маснавийт маж-  
муи—«Хамса» достоналарини яратганга қадар (1480 йил-  
ларнинг бошигача) шахсан биринчи тартиб берган шеърлар  
девори «Бадоъула—бидоя» («Бадият ибтидоси») дебеча-  
сида ўзи эриша олган Сўз муқимнинг тасарруфот дара-  
жаси ҳақида шундай фаройиб—мўъжиз байтлар яратди:

Нидо еткурчи ногаҳ муҳийи роз-  
Ки: «Эй, афсунгари афсона пардоз!  
Балога(ш) кишварининг нуқтадонин,  
Фасоҳат мулкининг соҳибқиронин!...  
Сўзунг бир авж уза чекти аламини—  
Ки сурдинг Арш лавҳига қаламини,  
Агарчи ахтарегур ҳар сўзунг пок—  
Ки, эрурур анинг бошига афлок...»

Қаранг (аввалги байт шарҳи): қалам ва аҳли қалам ило-  
ҳаси—Аторуднинг шарифасидат элчаси—«муҳийи роз»  
(сирлар даракчиси) шоир Навоийни инсон ҳаёлот ва ҳай-  
рати яратган бори ҳақиқат ва афсоналарга сайқал бе-  
рувчи («афсона пардоз») сўз сехригари деб атайди.

Бугина эмас. Қудрати илоҳий мўъжизаси—ла «Бало-  
га(ш) кишвари» (фазлу камолда етуқ мамлакат)нинг нуқ-  
тадонин, «фасоҳат мулкининг соҳибқиронин» фақат Сўз  
даҳолари салтанатининг подшоҳи деган даҳлисиз юксак

## Алишер Навоий ҳикмат бўстонидан

Ҳақ йўлида ким сента  
бир ҳарф ўқитди юз ранж ила,  
Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.

Олам аҳли билингим, иш эмас душманлағ,  
Ёр ўлуғ бир—бирингизки эрур ёрлағ иш.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

Ки ҳар ишники қилди одамизод,  
Тафаккур бирла билди одамизод.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ  
Етар яхшиликдан анга яхшилик.

Кимки бир кўнгли бузуғни хотирин шод айлагай,  
Онча борки Катъба вайрон бўлса оבוד айлагай.

Ҳар кимки сўзи ёлғон,  
ёлғонин зоҳир бўлғоч уёлғон.

Нафсинг агар ҳалққа бешак дурур,  
Билки бу нафъ ўзинга кўнрақ дурур

## НАВОИЙ ҲАЗАЛИГА МУХАММАС

Шодмонинг чоғлари кўнглим мисоли настарин.  
То бу чоғ кўрдим ўзим дунининг авра-астарин.  
Худ боҳудлик ичрадин очсам урнинг дафтарин.  
Гул эмаским кон этиб афлок бахтин ахтарин,  
Қилди тийғи зулм ила юз пора анинг пайкарин.

Зулим ҳам бору ва лек турмушининг озодлик туши.  
Бирин сергак айласа бундин қочар бирининг хуши.  
Нолла чекса дедилар булбул каби, ҳар дил иши.  
Булбул эрмас, чикти кўксум чоқидин кўнглум қуши.  
Ҳажр ўқи пайконлари бирла ясаб болу парин.

Уйғонин айёмидин завқ айлағон тонлар туруб.  
Лозлардордин нигоҳ тўймак ай бир-бир юруб.  
Дил нафас олғай тўйиб райдон, чекак бўйин сўруб.  
Сабзидан эл равшан айлаб кўзу лекин мен кўруб,  
Кўзда ҳижрон хайли захролуд қилгон ништарин.

Тунлари юлдуз ва ой бир бирга дўст асмон аро.  
Ҳар назокат зийнати очғай эшик остон аро.

Гул баҳорининг таърифи сийғайи ҳеч дoston аро.  
Ул соҳиб сорик, қизил гул яфроғин бўстон аро.  
Оҳ ила мен ёрутуб ҳижрон шарору ахтарин.

Минглар афсус гоҳо—гоҳ маҳзун ҳаблнинг дўсти мен.  
Сир синаот кўйида ҳижронни тутган дасти мен.  
Келмайин ўз ҳолима синган кўнгли кам кўсти-мен.  
Не баҳор улғайки, эл гулгун қадаҳдин масту мен,  
Бир тўла нарғис киби кўрмай нишотин соғарин.

Эй баҳор ўзинг, ўзинг шавқинга қонима асруким.  
Лол этурди тийнатинг завқига ёнма асруким.  
Ҳар замон ўттай шукунинга инонима асруким.  
Хўсининг авроқига, эй гулшан, қувонма асруким,  
То ҳабар топқунг совурини тоғ ил гул дафтарин.

Бўл Сулаймон васфи дунё асли чун илҳом тила!  
Бит агар сўзи кифо битсангки камтарлик била.  
Тун аро бедормисан кўнглинги шеврий май тўла.  
Эй Навоий, майдин осийин эрур бу вайж ила.  
Ким, баҳо бермак керак сөн ақлу дониш гавҳарин.  
Сулаймон ХАЙДАР.

## БОБУР МИРЗОНИНГ ИЛМ ГУЛЗОРИ

Ҳар вақтиги — кўргайсен менинг сўзимни,  
Сўзимни ўқиб, соғингайсен ўзимни.

Ватанимиз мустақил-  
ликка эришгандан сўнг,  
халқимиз маънавий дунё-  
сида кўшлаб байрамлар,  
улуғ саналар нишонлан-  
моқда. Бугун — улуғ ало-  
ма, шоир, давлат арбоби  
тасаннолар айтмади, даст-  
бўлган бобомиз Захрид-  
дин Мухаммад Бобур та-  
валудининг 522 йиллигини  
тантана қиломоқдамиз.  
Республикамизнинг барча  
илм масканларида, давлат  
ва жамоат ташкилотла-  
рида ушбу саодатли са-  
нага бағишланган кечалар,  
мушоиралар, бобурхон-  
ликлар ўтказиломоқда.  
Бундай шодёнелар, ай-  
ниқса Бобур Мирзо ва-  
тани ҳисобланмиш Анди-  
жонда, узоғна тус олади.  
Интернет маълумотларига  
қараганда қардош кўпни  
республикалар ва чет эл-  
ларда ҳам мазкур санага  
алоҳида эътибор берилар  
экан.

қилиш зарур, деб ҳисоб-  
лаймиз.  
Бизнингча, математика  
ва астрономия соҳасидаги  
ишларни қониқарли деб  
айтиш мумкин, лекин киме,  
биология, тиббиёт ва эко-  
логия фанлари бўйича ҳали  
кўп изланишлар олиб бо-  
риш лозим. Фаробий, Ро-  
зий, Ибн Сино, Табиб Ҳу-  
сайний тиббиёт; Фаробий,  
Беруний, Фарғоний, Бо-  
бурларнинг табиий фанлар  
соҳасидаги ишлари тўлиқ  
ўрганилмаган. Буни қуйи-  
даги мисол билан изоҳлаш  
мумкин: «Ўз даври тиб-  
биётининг яхшигина му-  
тахассиси бўлган Фаро-  
бий касалликларни даво-  
лаш билан эмас, балки  
уларни келтириб чиқар-  
ган қонуниятларни ўрга-  
ниш билан соғалқин сақ-  
лашнинг умумий муам-  
моларини ҳал қилиш ке-  
рак; саломатликни эко-  
логик муҳит ҳолатига  
боғлашнинг масалалари  
билан шуғулланиш за-  
рурлигини уқтириб ўта-  
ди.» Демак, Фаробий минг  
йил олдин ҳозирги кун  
тиббиёт олоғида турган  
ушбу муаммони қандай ҳал  
қилишни кўра олган. Ил-  
мий меросимизни ўрга-  
нишдаги ҳозирги султ-  
кашлиқни ҳам объектив,  
ҳам субъектив сабаблари  
бор. Аниқ фанлар билан  
шуғулланаётган олимлари-  
миз шарқ тилларини яхши  
билмайдилар, шарҳинос  
олимларимиз эса, аниқ  
фанлар ҳақида чуқурроқ  
билимга эга эмаслар. На-  
тижада кутубхоналар ар-  
хивида сақланиб ётган ил-  
мий меросларимиз ўз  
ўқувчисини топа олма-  
пти. Бундан илму—фан,  
маънавий—маърифий со-  
ҳаларда, миллий қаарият-  
ларимизни тиклашда, ай-  
ниқса «Қадрлар тайёрлаш»  
нинг миллий дастури»ни  
амалга оширишда, бир  
қатор эҳтиёжларимизни  
қондириш зарурияти се-  
зилиб қолмоқда.



Биз ҳам ушбу сана  
муносабати билан алома  
Бобур Мирзонинг таби-  
атга қарашлари, яъни  
ўсимлик ва ҳайвонот  
дунёсига, ҳамда уларнинг  
экологик мослашуварига  
бўлган муносабатлари  
ҳақида фикр юритмоқ-  
чимиз. Чунки, 3.М. Бо-  
бурнинг ғазаллари ва  
давлат ишлари ҳақида  
кўплаб мақолалар, роман  
ва ҳикоялар, спектакл ва  
видеofilmлар яратилган.  
Ҳаттоки, илмий экспеди-  
циялар ҳам уюштирилган.  
Аммо бобомиз ва унинг  
авлодларини табиий фан-  
лар соҳасида қилган иш-  
лари эътибордан четда  
қолиб, ўқув кўндалма-  
лар, махсус рисолалар  
эсида унинг фикрлари ўз ифо-

олади. 3.М. Бобурнинг «Бо-  
бурнома» асари жуذا кўп  
халқлар тилларига таржима  
қилинган, кишилар ўз ик-  
ти доларига қараб, ундан баҳ-  
раманд бўлишган.

«Бобурнома» нафақат  
илмий, балки маданий—  
маърифий ва ҳаётий жиҳат—  
дан ҳам ўрганилиши лозим  
бўлган асар. Дунё халқла-  
рида кўплаб урф—одатлар  
мавжуд бўлиб, улардан баъ-  
зиларини умумбашарий  
одатларга айлантириш зарур.  
Масалан, грузиялик бўлажак  
келиндар уларнинг сеплари  
қаторида Шота Руставели-  
нинг «Йўлбарс терисини

ўсимлик ва ҳайвон турла-  
рини бошқа иқлимда учра-  
маслигини кўрсатади. Ҳар  
иқкка қарашда ҳам энде-  
мик турлар, яъни маълум  
экологик шароитга мослаш-  
ган ҳайвон ва ўсимликлар  
ҳақида фикр юритилди.

Бизга маълумки, XVIII  
асрда К.Линней бинар но-  
менклатуранин, яъни қўша-  
лок номлашни фанга бирин-  
чи бўлиб киритган дейилади.  
Масалан: хонаки ит, бўри ит  
ва ҳоказо. Ундан 300 йил  
одинг ёзилган «Бобурнома»да  
ҳам оқ кийик, тор кийик,  
қизил кийик, оқ лола, сарқ  
лола, оқ терак, кўк терак,  
мирза терак, бақа терак каби  
қўшалоқ номланишларни  
учратishi мумкин.

Бобур Мирзонинг бота-  
ника, зоология, умумий  
биология ва экология соҳа-  
сидаги қимматли фикрлари  
ҳақида яна кўплаб мисоллар  
келтириш мумкин.

Бобур Мирзонинг бота-  
ника, зоология, умумий  
биология ва экология соҳа-  
сидаги қимматли фикрлари  
ҳақида яна кўплаб мисоллар  
келтириш мумкин.

«Бобурнома» асари  
бўлишини хуш кўрганлар.  
Агар, бизнинг бўлажак ке-  
линдар ҳам Навоийнинг  
«Хамса» сени, Бобурнинг  
«Бобурнома»сига ва бошқа  
саодатли элтувчи китобларни  
ўз мулкларига айлантиришса,  
ёшларимизнинг маънавий  
пойдевори мустаҳкам бўлиб,  
зарари олдатга берили-  
шини оқди олинган бўлар  
эди.

«Бобурнома» асари  
бўлишини хуш кўрганлар.  
Агар, бизнинг бўлажак ке-  
линдар ҳам Навоийнинг  
«Хамса» сени, Бобурнинг  
«Бобурнома»сига ва бошқа  
саодатли элтувчи китобларни  
ўз мулкларига айлантиришса,  
ёшларимизнинг маънавий  
пойдевори мустаҳкам бўлиб,  
зарари олдатга берили-  
шини оқди олинган бўлар  
эди.

«Бобурнома» асари  
бўлишини хуш кўрганлар.  
Агар, бизнинг бўлажак ке-  
линдар ҳам Навоийнинг  
«Хамса» сени, Бобурнинг  
«Бобурнома»сига ва бошқа  
саодатли элтувчи китобларни  
ўз мулкларига айлантиришса,  
ёшларимизнинг маънавий  
пойдевори мустаҳкам бўлиб,  
зарари олдатга берили-  
шини оқди олинган бўлар  
эди.

«Бобурнома» асари  
бўлишини хуш кўрганлар.  
Агар, бизнинг бўлажак ке-  
линдар ҳам Навоийнинг  
«Хамса» сени, Бобурнинг  
«Бобурнома»сига ва бошқа  
саодатли элтувчи китобларни  
ўз мулкларига айлантиришса,  
ёшларимизнинг маънавий  
пойдевори мустаҳкам бўлиб,  
зарари олдатга берили-  
шини оқди олинган бўлар  
эди.



# ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ




## ҲУНАРЛИ КИШИ ХОР БЎЛМАС

Йигит кишига етмиш ҳунар оз,— дейди доно халқимиз. Бойлик, мартаба, барча барчаси ўтқинчи. Аммо ҳунарни ҳеч ким тортиб ололмайди. Миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган устазодалар санъатимиз намуналарини асраган асрларга олиб ўтишдек шарафли ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бир ўйлаб кўринг, юртимизга таширф буюраётган хорижий сайёҳлар энг аввало нимага эътибор қаратадилар. Албатта, миллий ҳунармандчилигимиз асосига яратилган

бўюмларимизга. Халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатиб турадиган, асрлар оша яшаб келаётган ўзига хос ҳунарлар кўзгудагидек намоён бўлиб туради дунё нигоҳида.

Ҳоҳида ўйлаб қолсан, бутун техника тараққий этиб турган бир пайтда, миллий ҳунармандчиликка кўпчилик ёшларимиз ўртасига эътибор суғайиб бораётгандек... Биз ёшларнинг қимматли вақтларини беҳуда сарфланмаслигини исътирозимиз! Улар фурсат топиб, усталарга шоғирд тушиб, ҳунар ўрганиб қўйсалар фойдадан ҳоли бўламайди



## И. С. ТУРГЕНЕВ

### ЧУМЧУҚ

Овдан қайтаётиб бог йўлкасидан кетиб борадир. Итим мендан олдинда югурди. Бир вақт у юришни секинлатди ва олдида овланган қуш ётгандек писиб бора бошлади. Йўлгага қараган эдим чумчуқ боласини кўриб қолдим: тумшуги атрофини сариқ эт босган, бошида пар дўппи бор эди. Шамол йўлка ёқасидаги қайинларни қаттиқ силкитганлигидан у уясида қулаб тушган бўлиб, энди ўсиб келаётган қанотларини ёзган ҳолда қимир этмай ночор ҳолатда турар эди.

Менинг итим секин-аста унга яқинлашиб борар экан, бирдан шу яқиндаги дарахдан туриб отилган кўкраги қора мода чумчуқ парларини ҳурпайтирган, тапторлмаган ҳолда чирқиллаб, итинг очилган оғзи сари икки марта ташлаиб учди.

Чумчуқ ўз боласини қутқармоқ учун гавдасини ғов қилиб бўлса-да, у ўзининг баланд, хавфхатарсиз шох навдасида тура олмаган... Унинг иродасидан ҳам ўтадиган куч-қувват уни ўқдан ташлаб юборган.

Менинг Трезорим тўхтаб қолиб, тисарилиди. Чамаси ит ҳам шу кучни тан олган кўрилади.

Мен ҳижолатда қолган итни апил-тапил чақириб олдим ва ҳурмат-эҳтиром билан нари кетдим.

Ҳа, шундай. Менинг гапимдан қулаиб юрмаган. Ҳа мен шу қаҳрамонона кичкинагина қушини, унинг меҳру-муҳаббатини ҳурмат-эҳтиром қилдим.

Меҳру муҳаббат ўлимдан ҳам, ажал даҳшатидан ҳам кучлидир, деб ўйлардим. Ҳаёт деганимиз шу меҳру муҳаббат туфайлигина тириқдир.

## КАКЛИКЛАР

Охири-оқибати кўринмайдиган толиқтирар-ли хасталикдан ўринда ётавериб ўйлардим: Нимага шу касалликка чалиндим? Нимага худди менга келиб ёпишди у? Бу адолатдан эмас, адолатдан эмас!

Қалин ангиши ерда йигирматача келади-дан ёш какликлар оиласи йиғилиб, бир-бирига суйқалар, юмшоқ ериш қовлашар, кўйингчи бахтиёр эдилар десак бўлади. Бир вақт уларни бир ит келиб чўчитди: улар ба-рварига ердан кўтарилидилар, айни шу вақт ўқ ҳам узилди ва какликлардан бири қулади. Унинг қанотига ўқ тегиб ярадор бўлганди. Каклик оёқларини зўрға босиб ўзини эрман-зорга урди.

Ит уни қидираб экан, бечора каклик бундай деб ўйлаётгандир: «Мендек какликлардан йигирмата эдик... Ҳўш, нима учун ўқ айна менга келиб тегиб, энди мен ўлишим керак экан? Қолган какликлардан менинг қарим қан? Адолатдан эмас бу иш!»

Ажал келиб сенга ёпишмагунча жойингда қимирламай ётавер, ярадор жонивор.

Шарофиддин КҮНҲИ таржумаси.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 9-СПТУ томонидан Расуллова Муайяна Боқодировна номига берилган А № 311779 имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Турфа олам

### СИРЛИ ШЕЪР

Азал-азалдан шеър илоҳий ҳодиса ҳисобланган. Айтишларича шеърни шоирнинг қулоғига фаришта-лар айтиб туришар экан. Шунинг учун ҳам шеър инсонларни оҳанрабодек ўзига тортиб турар, шеър нима деб берилаган саволага шоирларни ўзи ҳам жавоб бера олишмаганининг бойси ҳам балки шундир.

1792—1878 йилларда яшаб ижод этган рус мумтоз шеърининг машҳур намоёниси шоир Вяземский ҳаётидаги бир сирли ҳодисани бунга мисол қилиб келтиради. У Ўшда яшган вақтида шундай бўлиб, илоҳиётга умуман ишонмас экан. Агарда бирор даврада фойрифтабий илоҳий ҳодисалар ҳақида сўз боргудек бўлса кулиб, немсимай қабул қиларкан. Бир куни у тунда дўстлари даврасидан уйга қайтаркан Нева дарёсини Анничков кўпригидан ўтганда ўз уйига қўзи тушади. Айниқса, биронта инсоннинг қирини таъқиқланган ижодхонасида чироқ ёниб турганлигини, дераза ёнида жойлашган ўзига стола ёнидаги шарпани кўриб қайратдан қотиб қолади. Князь қадамини тезлатиб уйга кириб келади ва шовиб хизматкорларни чақириб, хонада ким бор деб сўрайди. Ажабланган хизматкорлар елка қисиб, унинг саволин тушуна олмаганликларини бидиришади. Сўнг князь худлик билан хонани қалитини келтиришларини буяради. Унга қалитлар солинган қутичадан ижодхонасининг қалитини олиб беришади. Ниҳоят, эшикни очиб ичкарига қиради, ҳақиқатан ҳам стулга ўтириб олиб, қоғоздан бошини кўтармай бир киши ижод билан машғул эди.

У киши шу қадар берилиб бир нималарни ёзар эканки, эшик очилиб хонага биров кирганини ҳам пайқаймади. Шоир аста унинг орқа томонидан бориб столдаги ёзувни ўқийди, сўнг ёзаётган кимсани юзига қарайди—ю қичқириб, худшидан кетди. У ўзига келганида ётоқда ётарди, хизматкордан суриштирарди, у ҳеч нима кўрмаганини айтади, фақат шоирнинг ёзув столдаги шапни ўчирмоқчи бўлганида, столдаги шеърни ўқиганини айтади. Князь дарҳол хизматкорни қасам ичириб, бу шеър ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликни буяради. Кейинчалик бу сирни шоирнинг ўзи дўстларига фож қилади. Ёзув столда ёзиб ўтирган ўша кимса аниқ ўз қиёфадоши эканлигини тан олади. Аммо ўша шоирнинг қиёфадоши ёзган шеър қайси эканлигини ҳеч кимсага ошкор қилмади. Илоҳиётга ишонмаган шоир князь Вяземский ўша воқеадан сўнг умрининг болган қисмини фақат тоат—ибодат билан ўтказади.

М. СИДДИҚОВ тайёрлади

## ИНСОН БУ ДУНЁГА МЕҲМОН ЭКАН

Автобусда кетаётган эдим. Бейхитёр олдиданги икки аёлининг сўзлари қулоғимга чалинди.

—Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, айланай?

—Оҳ, опоқижон, қайнингиларини шу маҳалладан сўраб боришаётган эди. Суриштиришга келган эдик. Ота—онани, куёв бўлмишни мақташди—ю... аммо... Бир ҳовлида икки овсин туришар экан. Овсинларнинг эри... ҳақиқи... Сал ичб келса тўполон кўтарар экан. «Ховлини ташлаб чиқ... Бу ҳовли менга тегишли» деб...

—Бо, унақа бўлса, қийин савдо экан,—деди келса ёнидаги аёл бошини сарак—сарак қилиб. —Ҳайронман, ҳозир икки ака—ука бир ҳовлига сирғимайди. Менинг ўзим турт амаки билан турганман. Ҳа ҳа ҳа—лигимни қўмсаб—қўмсаб эслайман.

Болалигимда амакимнинг икки қизлари билан бувимнинг ёнарида, танча атрофида ётардик. Руза кунлари келинонимлар гама—гадан овқат қилиб, саҳарликка савоёрларнинг шақиллатиб қайнаётган, олиб келишарди. Биз уйқисраб ўтирдик. Синглим, ўша кунларни армон, соринч билан қўмсаб—ман... Қандоқ ахил—иноқ яшардик. Амакимнинг қизлари бири—кетин узатилиб кетишди. Кейин бузимдан ажралдик. Вақт—свати келиб мен ҳам турмушга чиқдим. Тушган жойим ҳам кўпчилик экан. Овсинларим билан баробар юмушларим бажариб юрдим. «Қизил тоғ» ательесини ишлардим. Олтинга фарзанд устидим. Ер қимирлаган йили уйимиз бузилди, ҳаммамиз ҳар ёқда

бўлиб қолдик. Орамиздаги оқибат йўқолмасин, бола—римиз беғоналашиб кетиш—масин, деган ниятда бир ойда йиғилиб, суҳбатлашиб, туриш—турмушимиздан хабарлашиб тураимиз.

—Хилма—хил овқатлар бўлса керак—а, опоқи?— гап қотди ёшроқ бир аёл.

—Йўқ, айланай, энг катталари менман. Бир овқат, бир салатдан ортиқча харажат қилдирмайман. Уволадан кўр—қаман, син—тилжим. Бу—вим раҳматли ҳатто нон ушоқларини ҳам териб ер эдилар. Раҳматли, очарчилик йилларини кўп кўрган экан—лар...

Менинг тушадиган бекамти келди. Истар—истамас автобуснинг эшити томон йўл олдим.

Боғи келса аёлининг гапларини... Бувижонимини эсладим (илоҳий, ётган жойлари нурга тўлсин). Мен катта набира бўлганим учунми, ачовлаб, эрталаб айтиб ётардилар. Элас—элас эслайман. Уйга газ тувирилгунча, қиш кунлариди бувимнинг уйларида танча бўларди. Ким келса, танча четда топ—тоза жигарранг темир чойнақда қайноқ чой тайёр турарди. Ҳар кун ти—тир—тир товушдан йиғиб кетардим. Бувим ҳар кун шу чойнақни қўлаб ювар—дилар. «Уйғондингми, оппо—пим. Тураюқ, чой ичамиз» дердилар бошимни кўтарганимни кўриб.

Боғи аёлининг жигарлар ўртасидаги меҳр—оқибат ҳақидаги гаплари эса, дадажонимни эслади. Дадамлар оилада турт ўғил бўлишган. Дадам тунгич ўғил бўлганлар. Тахтапуддаги эски уйни ама—

кимларга ташлаб, участка қилиб чиққанми. У пайтларда газ йўқ, Лоисвоқли, усти фанперсиз бир уйда қишини амаллаб ўтказганми. «Галанска» печкага ўт ёқардик. Фанер бўлмагани учун ис—сикни тепага тортиб кетарди. Ойимлар кўрпачаларни икки қават қилиб тикиб, ичига бизларни қиритиб кўярдилар.

Баҳор келганда ойимнинг дадалари—уста Ҳикмат да—дам уйла—римизга фанер қилиб чиқ—

дилар. Кейин сувоқ, пол... Шу йили Искандар амакимини уйлантирдик. Дадам пастрок солинган «временка» болаарқ уйига кўчиб тушиб, келин—кувга уйни бўшатиб берди—лар. Биз—олти қиз, ота—онам бир уй даҳизда яшаб бош—ладик. Бир—икки йилдан кейин Искандар амакимларга бизга яқин жойдан кичикроқ ховли олиб беришди. Амаким ҳозирги Тошкент давлат теҳ—ника университетига дарс берав эдилар. Кейинроқ проф—фессорлар шаҳарчасидан участка олиб кўчиб кетдилар (жойлари жаннатда бўлсин, илоҳий).

Икки йил ўтган Озод ама—кимни ҳам бизнинг ҳовлида уйлантиришди. Турт фарзан—дик бўлунарча биз билан бирга туринди, кейин эса, Янги ТошМИ томондан ховли олиб кўчиб чиқиди. Лекин шунча ишлар бўлиб ўтганда ҳам, ойимнинг «нега мен меҳнат қилган жойга келин тушади? Олти болам билан сиқилиб қолдим» деганлари—ни бирон марта эшитмабман.

Энг қизим, мен узатилиб Озод амакимнинг фамилияси бошқа эканлигига аҳамият берибман. Бувим икки ўғил—

лик бўлганларида Сулаймон бобомни Самарқандга ишга юборишган. Бувимлар бориб, у ерда тура олмай қайтиб келадилар. Шу—шу улар ажралашди. Бувим бошқа кишига турмушга чиқадилар. Озод ва Қудрат амаким шу кишининг фарзандлари экан. Уларнинг оталари уруш йиллари сил касалидан ва—фот этиб кетган экан. Дадам амакимларга ота бўлиб ула—гайтирган, қийинтирган, уйли—жойли қилганлар.

Улар ўртасидаги аҳил—иноқлик, меҳр—оқибатга ҳамма ҳавас қиларди. Ҳар сафар жигарлар ўртасидаги ноҳуш гап—сўзларни эшит—сам, ота—онамнинг ўша пайтдаги хизматлари кўз ол—димдан кино лентасидек ўтаверарди.

Дадам—республикамиз—нинг таниқли журналисти, «Ўзбекистонда хизмат кўр—сатган маданият ходими», «Эл—юрт хўрмати» ордени соҳиби Исмомил Сулаймо—новдан меҳру—у оқибат, эз—тулик ҳислари билан бирга «Эл отаси эди», «Шаҳзода ва каниза», «Мен—журна—листман», «Сизга айтар сў—зим бор» номли китоблари мерос бўлиб қолди.

Инсон бу дунёга меҳмон экан. Умр ҳақида доғиш—мандалардан бири «Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетялман» деган экан. Шу қисқа умримизни эса, шундай яшаб ўтайлик—ки, фарзандларимиз, ҳам—касбаримиз, хеш—акрабо—ларимиз бизларни фақат ва фақат яхши сўзлар билан эслашсин.

Мавлуда СУЛАЙМОНОВА

## Футбол атрофида

### КИМ АЙБДОР?

Португалия пойтахти шарафини ҳимоя қилиб келаётган Лиссабоннинг «Спортинг» жамоаси ҳақиқий ишқибозларнинг компьютерларида уларни «кутилмаган соғва» қутиб турарди. Улар севибли клублари сайтга кирмоқчи бўлганлариди мониторда ҳадеб «Спортинг»нинг ашадий рақиб «Бенфика»нинг қизил—оқ саҳа—фаси пайдо бўлаверган. Улар бу ҳолга чидаб туролмасдан тартибсизликлар қилишни бошлашган. Тўғри—да, рақиб саҳифаси айнан «Бенфика» клуби—ники бўлса, агар бу бошқа клубга тегишли бўлганда ҳам улар бунчалик асабийлашмаган бўлишарди. Лекин рақиб мух—лислари учун ҳам ўша кун гайриоддий ўтди. Сабаби, «Бенфика»нинг сайти

умуман экранда кўринмади. Ҳамма бу ишда гранд жа—моалардан бири «Порту»нинг қўли бор деб тахмин қилди. Аммо, айб уларда ҳам бўлмаган. Аниқлаштиришча, ҳар икки клубга хизмат кўрса—таётган правайдерда экан—лиги маълум бўлди. Правай—дерда техник носозлик юз берган, камчилик эса эрта—сигаёқ бартараф этилган. Бундан иккала жамоа мух—лислари ўз хурсандчиликлари яширишмади.

### МУХЛИСЛАР УЧУНИ, Ё...

Замонавий футбол кундан—кунга ривожланиб бормоқда. Яшил майдон юдузлари ўз фаолиятлари давомиди олқишлар, обрў—этибор огушида яшашни исташади. Ҳозирги кунда қайси футболчида «Нима учун футбол ўйнайсиз», деб сўрасангиз, улар бир овоз—дан «Мухлислар учун» деб

жавоб беришлари турган гап. Бироқ, «Болтон» клубининг сенегаллик ҳужум—чиси Эл Ҳожи Диуф эса ушбу ноқулай саволга тўғ—ридан—тўғри жавоб бериб қўя қолди. Яъни, у фақат пул ишлаб топиш учун футбол ўйнашни таъқиқ—лаган. «Мен пул учун ўйнаймман. Ойимнинг бирор бир нарсага мўжзаб бўлиб қолмасини учун пул иш—лаб топаман. Уйнай олмайдиган ҳолатга тушсам, му—раббийлик билан шуғулла—наман. Мен устозларим Сем Элмердайс ёки Бруно Мет—сью сингари абжир мураб—бий бўлишга интиламан. Ушбу инсонлар мен учун ўрناق оладиган намуна—лардир. Мен қароримни ўзгартира олмаман. Мен қандай бўлсам шундайли—гимча қоламан. Бироқ, мени ҳеч ким тушунишни ис—тамайди»,— дейди чин кўнглидан иқрор бўлиб сенегаллик футболчи.

## ОМАД ЁР БЎЛСИН

2005 йил юртимиз фут—бол мутахассислари ва мухлислари учун энг масъулият масум бў—лади. Чунки, 2006 йил Германияда бўлиб ўтади—ган Жаҳон чемпионатида қиқш учун бўладиган Осий минтақаси 2—сара—лаш учрашувларида ҳа—муртларнинг ҳам тўп су—ради. Улар «А» гуруҳида Жапония, Корея, Кувейт, Саудия Арабистони ва—килларига қарши майдонга тушади. Турғала жамоа—

нинг иккитаси тўғридан—тўғри финал йўланмасини қўлга киритса, учинчи ўрин эгаси «плей—офф» баҳсла—риб қиришади. Улар даст—лаб «В» гуруҳининг учинчи ўрин соҳибини билан учрашиб, кейин Коннебол (Шимолӣ Америка) вакилига рақиб бўлади.

9 феврал кунни Юрген Геше бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк баҳсини Тошкентда ўтказа—ди. Саудия Арабистони би—лан бўладиган ўйин ҳар

жабҳада футболчилари—мизга оғир бўлиши қутил—моқда. Бўлажак ўйинларда галабага бўлган интилиш ўзбек футбол учун катта байрам бўлади, яъни Жа—ҳон чемпионати эшиклари очилади. Тарих саҳифа—рига зарҳал харфлар билан ёзиладиган воқеага сабаб бўлади. Биз ушбу бўлиб ўтадиган учрашувларда футболчиларимизга омад—лар тилаймиз.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

## ҲАЛАТИ ОДАТЛАР

Исм. Сизга ҳар кун, ҳар қадамда керак у. Ис—мингизни ким қўйганини, унинг маъносини била—сизми? Ўйлаб кўринг.

Халқимизда бир яхши анъана мавжуд. Чақалоқ туғилса, бобоси ёки бу—вис, умуман катта ёшда—ғилар исм қўлади. Бошқа миллат ва элат вақиларида исм қўйиш ҳуқуқи ким—нинг қўлида эканлигини биласизми? Билмасангиз—...қайгурманг!

Ҳиндистоннинг айрим туманларида янги турилган чақалоққа исм қўйишда ҳалати бир одагга амак қилинади. Исм қўйиладиган кунни ота—оналик бах—тига мушарраф бўлган икки бахтиёр инсон бах—сашини руҳсат бор. Ҳ а л а т и жойи шунда—ки, улар биттадан шам ёқишда ва унинг ёниб тулганини кутишади. Қишнинг шами узоқ ёнса, ўша одам исм қўйиш ҳуқуқини қўлга қиритади.

Янги Зеландиянинг туб аҳолиси эса, ном қўйиш маросимини бошқачароқ қарши олади. Чақалоқ ол—дида ўзлари сингадиган илоҳнинг ҳайкалчасини ушлаб туришади. Гудак—нинг характерига сингиши, келажакда унинг яхши одам бўлишини ният қи—лашади. Чақалоқ туғилиши—дан олдинги юз берган во—қеалар ҳам бир—бир са—наиб бошланади. Агар шу пайтда чақалоқ акса уриб юборса, тўғирог, қайси сўздан кейин чучурса, ўша сўз унга исм қилиб қўйилади.

ЖОНСЎЗ тайёрлади.

## МАСЛАҲАТХОНА

• **Овқатга қора мурч қўшиб тановул қилинса, аввало шамоллашган сақлайди, қолаверса, иштаха очади. Қаттиқ совуққа эрталаб ярим чой қошиқ қора мурчи ярим пиёла чойга солиб ичинг. Бу сизни кун бўйи совқоттиришдан асрайди.**

• **Саҳиқ чойнаш тишлаб, милакка, умуман, оғиз бўшигига фойдаланир. Шунингдек, у ошқозон фао—лиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.**

• **Қаттиқ шамоллаган одам ҳаммомга бағанига асал суртиб, жиҳқа терласа, шифо топади.**


• **Ошқозони безовта қилиб турадиган беморлар эрталаб наҳорга олма еб, ётишдан олдин асал ялаб улхаса, дарв чекинади. Даволашни жарбағида вақ—тинча қорурилган, ёғли овқатлардан, қаз, кадоб ва сўт ичишдан тийилиш лозим. Олмани арчанингизга пучогини ташлаб юборманг! Уни яхшилаб ювиб, қай—напиб ичинг. Бу арзон ва шифобахш шарбат йў—талга, ошқозон дарғига даво бўлади.**

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...


• Энг катта ер юзи—даги бино—минора «CN Tower» Канаданинг машҳур Торонто шаҳ—рида қад қўтарган. Унинг баландлиги 553,34 метрни ташкил этади. 185—қаватли бино австрали—лик архитектор Жон Эндрус томонидан лойиҳалаштирилган. 130—миг тонналик бетон билан қопланган бинони 1973 йил 12 февралда бошлаган

курувчилар 1975 йилнинг 2—апрел кунини фойдаланишга топширишган.

• Энг катта йўловчи та—шувчи кема «Queen Mary 2»



курувчилар 1975 йилнинг 2—апрел кунини фойдаланишга топширишган.



дея номланади ва унинг узунлиги 345 метр, эни эса, 41 метрни ташкил этади. Машҳур Титаникдан уч ба—рор катта кема барча қудайликларга эга бўлиб, 2620 нафар йўловчиларга 1253—та экипаж аъзолари хизмат кўрсатади.

## Дастурхон кўрки

### МЕВАЛИ ТОРТ

Масаллик: 125гр. са—риёғ, 200гр. шакар уни, 3 та тухум, 1 стакан уни.



Таёрлаш: Тухум сариғи шакар уни билан оқаргунча қириштирилиб, 1 стакан уни билан тухум сариғи ара—лаштирилади ва алоҳида кўпиртирилган тухум оқи солинади. Хамирни ёлан—ган қолишга солиб духов—кага, ўртча оловга 10 ми—нут қўйилади. Кейин ус—тига 1 та лимон ва 0.5 ста—лади.

қан шакар билан аралаш—тирилган 400—500 гр. ги—лос, бошқа мевалар солиб, пишгунча яна духовкага қўйилади. Пишган тортинг устига шакар уни сепи—лади.

• Энг кўп сотиб оли—надиган китоб сўровнома—сида Гиннеснинг рекорд—лар китоби биринчи ўринга сазовор бўлди. 2004 йилда китобнинг напри 100 мил—лион нусхага етди. Бу ре—кордни яқин йиллар ичида янгилаш қийин бўлишини мутахассислар таъкидлаш—моқда. Турали соҳалардаги рекордларнинг янгилашиб, кўпайиб бориши ушбу

ган. Унинг расман очилиш маросими 1886 йил 28 ок—тябр кунига тўғри келди. Совға баладанги 46,5 метр ва оғирлиги 225 тонна тош босади.

китобнинг сони ошишга туртки бўлади.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

**Milliy tiklanish**  
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: **Иброҳим ҒАҒУРОВ**

Нашр муҳаррири: **Дилмурод КИРФИЗБОЕВ**

Газета 014—рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Ғ—127. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишга эркин нархда.

Газета IBM компютерига терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топширилган вақти 20.00. Нашр кўрсатиши — 158.

Манзил: **Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй**

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Боси